

Саъй қилиб юрилганда айтиладиган дуолар | Фикҳ дарслари (363-дарс)



19:00 / 22 январь 597

???? ?????? ?????????? ??????: ?????? ?????????????

???????? ?????? ????????????? ?????????????? ??????????

????????????????? ?????????????? ?????????????? ?????? ??????????????

????????????????????? ?????????? ?????????? ??????????????

????????????????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??? ??????????

?????? ?????????????? ??????????????. ?????? ??????????????: ??????????

????????? ?????????? ?????????????????? ??????? ??????? ??????????

???????? ??????????????. ??????? ??????????????

?????? ?????? ?????????.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам етиб келиб, Байтни етти марта тавоф қилдилар. Кейин Мақомнинг ортида икки ракъат намоз ўқидилар. Сўнг Сафо ва Марва орасида етти марта саъй қилдилар. Батаҳқиқ, сизларга Расулуллоҳда гўзал ўрнатилган бордир».

Бошқа ривоятда:

«Ул зот қачон Сафо ва Марва орасида сайъ қилсалар, селхонанинг қорнидан саъй қилар эдилар», дейилган.

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Сўнгра Марва томон юради. Икки яшил устун орасида тезлаб юради. Марванинг тепасига чиқади. У ерда ҳам Сафода нима қилган бўлса, ўшани қилади.

Саъй қилишни «Иннас-Сафо вал Марвата мин шаъаи-риллаҳи фаман ҳажжал байта ав эътамара фала жунаҳа алайҳи ай йаттоввафа биҳимаа ва ман татовваъа хойрон фаинналлоҳа шаакирун ъалийм» ояти каримасини ўқиб бошлаш тавсия қилинган.

Яшил чироқли яшил устунга етганда тезлаб юрилади, худди шундай иккинчи устунга етганда эса яна оддий юриб кетилади. Марва тепалигига етиб борилгач, юқорироққа чиқиб, дуолар қилинади.

Бир томонга бориш бир саъй ҳисобланади.

Кейин Сафо томон саъй қилади. Шу билан икки марта бўлади. Шу шаклда етти бор саъй қилади.

Саъй қилиб юрилганда «лаббайка» айтилади ва дуолар қилинади. Ривоятга кўра, Пайғамбар алайҳиссалом ушбу дуони қилган эканлар:

«Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду йухйи ва йумийту ва ҳува ҳаййу ла йамуту бийадиҳил хойр ва ҳува ала кулли шайъин қодийр».

«Лаа илааҳа иллаллоҳу ва лаа наъбуду илла иййаҳу мухлисийна лаҳуд-дийн ва лав карихил каафируун. Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, анжаза ваъдаҳу ва насаро абдаҳу ва ҳазимал аҳзаба ваҳдаҳу».

Сафо билан Марва ўртасида саъй қилиб юрганларида:

«Роббиғфир варҳам, антал аъаззул акром», деган дуони кўп ўқиганлари ривоят қилинган.

Саъй Марвада тугайди. Шу ерда илтижо этиб, дуолар қилинади. Ифрод ҳажни ният қилган киши эҳромда давом этиб, ёлғон арафа кунини кутади.

Сўнгра Маккада эҳромдалиқ ҳолида сокин бўлади ва истаганича нафл тавоф қилади.

Ёлғон арафа куни келгунча ибодат билан машғул бўлинади. Фарз намозларини иложи борица жамоат билан Масжидул Ҳаромда ўқиш керак. Бунинг фазли жуда ҳам улуғдир. Кўпроқ тавоф қилиш лозим, чунки атрофдан келганлар учун нафл намоздан кўра нафл тавоф афзалдир.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.